ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00269

ШАРОФ РАШИДОВНИНГ СИЁСИЙ ЗАКОСИ ВА РАҲБАРЛИК ФАОЛИЯТИ

Шоҳсанам Абсаматовна Сулайманова
Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Шароф Рашидовнинг Ўзбекистонда раҳбарлик қилган йиллари ва у томонидан мамлакат тараққиёти учун амалга оширган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги ислоҳотлари ҳамда Совет Иттифоқининг сиёсий тазйиқлари ва қарамлик ҳолатининг Ўзбекистонга таъсири ҳақидаги фикр мулоҳазалар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: давлат арбоби, зиддият, манфаат, қишлоқ хўжалиги, кадрлар тайёрлаш, сиёсий тузум, хотира, сиёсатчи, пахта иши.

SHAROF RASHIDOV'S POLITICAL INTELLIGENCE AND LEADERSHIP ACTIVITY

Shohsanam Absamatovna Sulaymanova
Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

This article discusses the years of leadership of Sharof Rashidov in Uzbekistan, as well as the political, economic and social reforms that he conducted to develop the country, as well as the influence of Soviet political pressure and dependence on Uzbekistan.

Keywords: Statesman, conflict, interests, agriculture, education, political system, memory, politician, cotton business.

Ҳеч шубҳа йўққи, Шароф Рашидов номини ўзбек халқининг тарихидан ҳаётидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Шароф Рашидов ўз халқига ва ватанига фидоий фарзанд эди.

Ш.М. Мирзиёев

КИРИШ

Мустақилликни дастлабки йилларидаги бир қатор асарларда жумладан, Ш.Рашидов раҳбар бўлган даври ҳақида илгари ҳукмрон бўлган тасаввурлар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00269

қайта кўриб чиқилди. Биз олимлар совет даври тарихига, у давр шахсларига баҳо берганда бугуннинг кўзи, бугуннинг меъзони билан ёндашмаслигимиз, даврни мураккаблигини доим эсда тутишимиз лозим ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев айтганидек, “Шароф Рашидов ўз даврининг фарзанди эди, у мавжуд тузумга садоқат билан хизмат қилди. Аммо бедодликни қарангки, шундай одам дунёдан кўз юмганида ўзи умр бўйи ҳимоя қилган, содиқ бўлиб хизмат қилган тузум унга ҳиёнат қилди. Мисли кўрилмаган шаккоклик билан унинг хотирасини таҳқирлаб, жасадини кўчирдилар, оила аъзолари ва қариндош-уруғларини таъқиб этдилар. “Рашидовчилик” деган сохта иборани ўйлаб топиб, унинг хотирасини ёмонотлиқ қилдилар”. [1. 343-344. б].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

XX аср ўрталарида мамлакатимизни жуда мураккаб оғир йилларда бошқариб, юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, ўзининг ҳам сиёсий ҳам ижтимоий-ижодий фаолияти билан катта ютуқларга эришган атоқли давлат арбоби таниқли ёзувчи Шароф Рашидов (1917-1983)шахси ва у бошқарган даври ҳақида имкон қадар ҳақиқатларни айтиш вақти келди.

Бугун Шароф Рашидовни ёрқин шахси, унинг сиёсатчи ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятини серқирралиги, у томондан қолдирилган бадиий меросининг бойлиги, у яшаган давр совет даври асл ҳақиқатлари ҳар бир тадқиқотчи олдига мураккаб вазифаларни қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида” 2017 йил 27 мартда қабул қилинган Қарори кенг жамоатчилик томонидан катта кўтаринкилик билан кутиб олинди. [2. б]

Ўзбекистон тарихининг Шароф Рашидов раҳбарлик қилган даври ўта мураккаб ва зиддиятларга бойлиги билан халқимиз хотирасида оғир таассуротларни уйғотади. Шу боис Ш.Рашидов даврини ўрганиш ва унга объектив баҳо бериш тарихчи, сиёсатчи ва адабиётчи олимлар учун мураккаб иш ҳисобланади. Энди Ўзбекистонда чорак асрлик Ш.Рашидов мураккаб ва зиддиятли бошқаруви нима натижалар ва ютуқларга эришди деган саволга энг авввало ўз сиёсатида Ўзбекистон ва Марказ манфаатлари ўртасида мувозанатни ушлаб туришга ҳаракат қилди. У раҳбарлик қилган давр давомида учта совет раҳбарлари Н.Хрушёв, Л.Брежнев, Ю.Андроповлар алмашди ва уларнинг ҳар бири давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида кескин ўзгаришларга, Ғарб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00269

давлатлари билан ўзаро мусобақада тобора ортда қолиб бораётган совет тузумини ислоҳ қилишга, уни муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолишга интилди. Шахсий характери ва олиб бораётган си ёсати бир-биридан кескин фарқ қилувчи бу раҳбарлар билан Ш.Рашидовни тил топиши, улар сиёсатига мослашиши, ўзбек халқи ҳамда Ўзбекистон манфаатларини доимо инобатга олиши ва ҳимоя қилиши осон кечмади.

НАТИЖАЛАР

Бу табиий ҳол, зотан Ш.Рашидов раҳбарлик қилган даври умумий маънода ўзбек халқини XX аср мустақилликкача бўлган даври тарихидир. Бу тарих миллийлик ва большевикча байналмилаллик, исломий анъаналар билан коммунистик даҳрийлик ўртасидаги кураш тарихидир аслида. Ушбу кураш адабиёт ва санъатни, фан ва маорифни, миллий онг ва эътиқодни, кундалик турмуш ва урф-одатларни, умуман олганда ижтимоий ҳаётни барча жабҳаларини қамраб олган XX аср бўйлаб давом этган кураш жасорати эди. Бу курашнинг энг буюк натижаси эса ўзбек халқини ўзлигини, ўз миллий ғурурини сақлаб қолиши бўлди. Ҳеч шубҳасиз Ш.Рашидов бу курашнинг олдинги сафида бўлди ва “биз бугун тўла ишонч билан айта оламизки, Шароф Рашидов мустақиллик пойдеворига муносиб ғишт қўя олган арбоблардан бири эди”. [3. 89. б].

Шароф Рашидов даврида Ўзбекистон илм-фани, адабиёти, санъати ўзининг энг юксак намуналари билан бойиди. Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларининг қиёфаси ўзгарди. Пойтахт Тошкент эса энг гўзал шаҳарлардан бирига айланди. Навоий, Гулистон, Янгиер, Зарафшон, Учқудуқ каби янги шаҳарлар қад кўтарди, замонавий саноатнинг кўплаб соҳалари тараққий эта бошлади, айниқса қишлоқ хўжалигини механизациялашда катта ютуқларга эришилди. Бу даврда Ўзбекистон аҳолиси икки баробардан зиёдроққа кўпайди, яъни 1959 йилги 8119 минг кишидан 1983 йили 17087 минг кишига етди.1959 йили Ўзбекистонда саноатнинг 70 та соҳасида 1300 та йирик завод ва фабрикалар бўлиб, улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар дунёнинг 41 та давлатига экспорт қилинган бўлса, 1983 йилга келиб саноатнинг 100 дан зиёд соҳасида 1500 дан ортиқ йирик корҳоналар маҳсулоти дунёнинг 70 дан зиёд мамлакатларига экспорт қилинди. [4. С. 555]

Соҳаларни малакали кадрлар билан таъминлашда 1959 йили Ўзбекистондаги 31 та олий ва 85 та ўрта махсус ўқув юртларида 145,5 минг йигит ва қизлар таълим олган бўлса, 1983 йилга келиб, Ўзбекистонда 43 та олий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00269

ўқув юртларида қарийб 35 минг профессор-ўқитувчи меҳнат қиларди. Бу даврда Ўзбекистон фақат ўз халқ хўжалиги учун эмас, бошқа республикалар ва 80 та чет мамлакатлари учун ҳам мутахассислар тайёрларди.

1983 йилга келиб Ўзбекистонда 3,5 миллион малакали ишчилар бўлиб, уларнинг катта қисмини маҳаллий миллат вакиллари ташкил қиларди. Мисол учун, 1959 йилдан 1979 йилгача ишчиларнинг умумий сони 2,7 марта ўсган ҳолда, миллий ишчи кадрлар сони 3,7 мартага ўсди. [5. С. 22-32]

Албатта, бу ўзгаришлар совет тузуми даврида шу тузум имкониятлари доирасида амалга оширилди. Бу имкониятлар эса Россияга қарам бўлган Ўзбекистон учун унчалик катта эмас эди. Ривожланишни маълум чегара ва қоидалари ўрнатилган бўлиб, улардан четга чиқишга ҳаракат қилган раҳбарларнинг аксарияти ишдан олинар эди. Айни чорак аср мобайнида Ўзбекистонда пайта якка хокимлиги кучайди. Пахта хомашёсини етиштириш 1958 йилги 2 млн 750 минг тоннадан 1983 йили 6 млн тоннага етди. Бу даврда қарийб 1,5 млн гектар чўл ва қуруқ ерлар ўзлаштирилиб, уларни суғориш учун кўплаб сув омборлари, каналлар ва ариқлар қазилди. Ерга кимёвий ишлов бериш кучайди, натижада республикадаги экологик ҳолатга, миллат соғлигига салбий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон етиштирган мўл пахта ҳосилилидан келадиган даромад йил сайин камайиб, иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш имконини бермасди. Чунки Севет Иттифоқида нархлар буйруқ асосида шакллантирилиб, у на қиймат қонунига, на жаҳон бозоридаги нархларга боғлиқ эмасди. 1989 йилгача 1 кг пахта териб олиш учун 5 тийин ҳақ тўланиб, унга бир стакан сув берар эди. Совет давлати 1990 йилгача 1 тонна пахта толаси учун ўзбек колхозчисига 810 рубль тўларди, айни пайтда унинг бозор нархи 2700 рублни ташкил қилган. [6. С. 7-10]

МУҲОКАМА

Ушбу ҳолат ўзбек пахтакорини меҳнатини қадрламаслик, унга муносиб ҳақ тўламаслик натижасида Ўзбекистонда қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик каби иллатларни кучайишига олиб келди.

Совет давлатини асосий сиёсати эса Ўзбекистон миллий бойликларини очиқчасига таланди. Республика худудида жойлашган 1556 та саноат корхоналарни 270 тасигина Ўзбекистонга тегишли эди, қолгани марказий ҳукуматга бўйсунарди. Бундай миллий сиёсат оқибатида табиий ресурсларга бой бўлган Ўзбекистон Иттифоқда энг камбағал республикалардан бирига

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00269

айланиб қолди. Ўзбекистонда аҳоли яшаш даражаси мамлакатдаги энг паст даражаларидан бири бўлиб, аҳоли жон бошига даромад ўртача иттифоқ даражасидан икки марта паст, СССРда бу кўрсатгич 2118 рублга, Ўзбекистонда эса 1093 рублга тенг бўлди. [7. С. 7-10]

1990 йилга келиб СССРда етиштирилган 8млн тонна пахтани 6 млн тоннаси Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келарди. Режа ҳар қандай шароитда бажарилиши керак эди. Чунки режани бажармаслик ишдан олиниш, партиядан ўчириш ва ҳатто жиноий жавобгарликка тортилишгача олиб келарди.

Шундай оғир шароитда республикани чорак аср давомида бошқарган Ш.Рашидов мавжуд сиёсий тузум тазйиқлар ва зиддиётларига қарамасдан Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий юксалишида катта ҳисса қўшди. Халқимиз доим чуқур ҳурмат билан хотирлайдиган бу улуғ инсон аслида ўзи хизмат қилган совет тузуми қурбонига айланди. Ш.Рашидов вафотидан сўнг унинг қилган ишларига нисбатан катта ҳурматсизликлар қилинди, хотирасига нисбатан адолатсиз муносабатда бўлинди. Унинг бутун фаолияти давомида қилган хизматлари инобатга олинмади, номи фақат “пахта иши” билан боғланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримов ташаббуси билан Ш.Рашидовнинг табаррук номи тикланди. Тошкентнинг марказий ва энг чиройли кўчаларидан бирига, Сирдарё вилоятидаги туманга унинг номи берилди.

2016 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан у туғилган Жиззах туманига Шароф Рашидов номи берилиши халқимиз томонидан адолатни қарор топиши сифатида олқишлар билан кутиб олинди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Шароф Рашидов сиёсатчи сифатида ҳаётлиги вақтида бажаришга улгурган ва у амалга оширган бунёдкорлик ишлари унинг вафотидан сўнг ҳам сақланиб қолган ижобий серқирра фаолиятининг ўзи кўп нарсадан дарак бермоқда. Ўзбекистоннинг Совет Иттифоқи доирасида унинг раҳбарлигида ҳеч бир истисносиз барча соҳаларда эришилган натижалари у парчаланиб кетгандан кейин энди мустақил давлат – Ўзбекистон Республикасининг кейинги ривожланиши учун мустаҳкам пойдевор бўлди десак асло муболаға бўлмайди. Ўтмиш мутаффаккирлари таъбири билан айтганда, тарих – халқ хотирасидир ва у инсоният йилномасидан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00269

кимнингдир шахсий саъй-ҳаракатлари билан ўчирилиши мумкин эмас. Тарих инсонни кўп нарсага ўргатади ва унинг сабоқларидан бири – буюк даврларгина буюк инсонларни яратади, деган хулосадир. Зотан, ўзининг улуғ фарзандларини асрай олган, уларнинг улкан хизматлари олдида кичик хатоларини кечира олган бағрикенг халқгина буюк бўлиши мумкин.

REFERENCES

1. Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т.:"Ўзбекистон", 2017. 343-344 бетлар. [1. 343-344. б].
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори "Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида" // "Халқ сўзи", 2017 йил, 28 март. [2. б].
3. И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 1996. 89-бет. [3. 89. б].
4. Қаранг: Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. - Ташкент, издательство «Узбекистан», 1974. [4. С. 555].
5. Ш.Ражидов. Братское сотрудничество народов СССР этапе зрелого социализма. Ташкент, издательство ЦК Компартии Узбекистана. 1983.С.22. [5. С. 22-32].
6. Ш.Эргашев. Эрк истар кўнгил. .-Т.: "Ўзбекистон", 2017. 7-бет. [6. 7-10 б]
7. Қаранг: СиФ: Хлопковой дело в Узбекистане. Как это было (история). Част 1-я. http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1210739760 [7.]